

**“ШЎРЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ  
УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ  
2-СОН БАЁННОМАСИ**

Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани,  
Мустақиллик кўчаси – 76 уй.

2024 йил 12-сентябрь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шўрчи туман Мустақиллик кўчаси 76 уй, “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт **11:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **11:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **12:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар овозларнинг умумий сони – 3 907 104 дона.

“Шўрчи пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил 20 августда қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 05 сентябрь.

“Шўрчи пахта тозалаш” АЖ акциядори 2 140 224 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан тугатиш комиссияси раиси Исломов Акмал Ҳакимович иштирок этмоқда.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси Исломов Акмал Ҳакимович йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Исломов Акмал Ҳакимович – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси раиси, Кузатув кенгаши аъзоси;

2. Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевич - Кузатув кенгаши аъзоси – йиғилиш раиси;

3. Қаюмов Махмуд Маннонович - жамият Кузатув кенгаши аъзоси;

Йиғилиш котиби этиб Б.Хасанова – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси Б.Хасановага берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қозғалар Марказий Депозитарийси” УК томонидан 2024 йил 05 август ҳолатига шакллантирилган “Шўрчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун **628** та акциядорга тегишли **3 907 104** дона акциялар қатнашиши мумкин.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда **2 443 872** дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган уч нафар акциядор (унинг вакиллари) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **62,55 %** ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Юлдошев Акмал Эргашевич – Жамият Бош директори;

Хўжамшукуров Тўлқин Хасанович – Жамият Бош Бухгалтери;

Йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов йиғилиш кун тартибини эълон қилди:

## **КУН ТАРТИБИ:**

**1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ва Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги ПФ-103-сонли “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга онд чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси тўғрисида.**

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидagi биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибидagi 2 та масала кўрсатилганлигини маъруза учун 10 (ўн) дақиқа, муҳокама ва мунозаралар учун 10 (ўн) дақиқа вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Йиғилишда раиси М.Абдурахмонов Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 20 августдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси – Хасанова Бахрин Хушбаковна, жамият Бош директори – Юлдошев Акмал Эргашевич ҳамда “Сурхондарё пахтасаноат” ХАБ АЖни тугатиш комиссияси аъзоси Гулямов Нигматулло Кадировичлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 443 872 та овоз билан 100%; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- йўқ.

Кун тартибидagi биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:**

- 1) Хасанова Бахрин Хушбаковна;
- 2) Юлдошев Акмал Эргашевич;
- 3) Гулямов Нигматулло Кадирович.

Кун тартибидagi иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов ўз сўзидagi кун тартибидagi масала бўйича қуйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-бандида қуйидагилар белгиланган:

а) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизи ва ундан юқори қисми тўланган пахта тозалаш заводлари ва пахта қабул қилиш масканларини (кейинги ўринларда — мулкый мажмуа) жалб этиладиган кредит бўйича мулкый мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат бериш.

Бунда:

мулкый мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги ҳисобига мулкый мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўтказилганда, мулкый мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шарти билан амалга оширилади;

б) тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖнинг мулкый мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18мартдаги 230-сонли қарорига асосан “Шўрчи пахта тозалаш” АЖга қарашли “Миршоди” пахта тайёрлов масканининг асбоб-ускуналари “**Denov tekstil klaster**” МЧЖга 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан 2021 йил 22октябрда тузилган 03-сонли шартномага асосан баҳоланган қийматда 2 146,6млн. сўмга(ҚҚС билан)сотилган.

“**Denov tekstil klaster**” МЧЖ томонидан шартномага мувофиқ 01.09.2024 йил ҳолатига 436,1 млн. сўм ёки 20,3 фоизи тўланган, қарздорлик 1 710,5 млн. сўмни, жумладан муддати ўтган қарздорлик 708,7 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Акциядорлар ўртасида ушбу масала кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 июлдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 452-сон қарорига асосан “Денов Текстил Кластер” МЧЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг пахта-тўқимачилик кластерлари реестридан чиқарилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Денов Текстил Кластер” МЧЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг пахта-тўқимачилик кластерлари реестрига қайта киритилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги ПФ-103-сон Фармонининг 4-бандида пахта-тўқимачилик кластерлари учун белгиланган имтиёзлардан (мулкый мажмуани белгиланган тартибда гаровга қўйиш ва олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш) фойдаланишга рухсат бериш тақлиф қилинди.

Акциядорлар ўртасида ушбу масала кенг муҳокама қилинди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан мазкур масала юзасидан муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз билан 100%; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга эриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-банди ижро учун қабул қилинсин.

2. “Денов Текстил Кластер” МЧЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг пахта-тўқимачилик кластерлари реестрига қайта киритилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги ПФ-103-сон Фармонининг 4-бандида пахта-тўқимачилик кластерлари учун белгиланган имтиёзлардан (мулккий мажмуани белгиланган тартибда гаровга қўйиш ва олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш) фойдаланишга рухсат берилсин.

Йиғилиш раиси: \_\_\_\_\_ /М.Абдурахмонов

Йиғилиш қотибон: \_\_\_\_\_ / Б.Хасанова



Йиғилиш баённомаси 2024 йил 18 сентябрь куни икки нусхада тузилди.